

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 6 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ўрозали Жабборовнинг исми-шарифига «махсум» сўзини қўшиб гапирмасангиз қишлоқдагилар гап ким ҳақида бораётганлигини яхши англашмайди. Тошпўлат Шокировнинг эса лақаби йўқ. Лекин қирқ йилдан буюн эғнидан тушмайдиган носранг кителию галифе шими бор. Уни ҳатто мусичалар тол ковагидан чиқмай кукулайдиган паллада ҳам ташламайди. Ўрозали махсум бундай кезлари диққинафас бўлиб кетади. «Уйнинг буғлойга тўлгур Тошпўлат! Ҳеч бўлмаса саратон ўтгунча оқ ятак кийсанг бўлмайми? Сени кўриб нафасим бўғилиб кетаяпти», дейди. Тошпўлат ака махсумга қиё ҳам боқиб қўймайди. Жула ҳафсала қилса кителининг энг юқори тутмасини ечиб қўяди, холос.

Ўрозали махсум деганларимиз ўрта бўйли, қорачадан келган, қурч гавдали одам. Ўнға гапининг тўққизтаси ё латифа, ё аския, ё ҳазилдан иборат. Оққувадан келган, озгинроқ Тошпўлат Шокиров эса ҳафта ўн кунда тишининг оқини ё бир кўрсатади ё кўрсатмайди.

Ўрозали махсум Тошкентга бормай қўйганига ўн беш йилча бўлди. Ушанда -- «Пахтакор» уйнайдиган кунлари унинг оёғига занжир боғлаб ҳам қишлоқда тутиб қолишолмасди. Буни эшитиб хўжалик раҳбарининг гапирган тўрт эн тушиб кетарди. «Кўйинг раис, ҳар ошқққа беш кун давр» деган гап бор. Йилда уч-тўрт шахарга тушсак тушибизмида! Шунга ҳам ота гўрию қози-хонами? Даламда игнадай ўт бўлмаса. Ғўзалар жўякдаги сувни, осмондаги иссиқликни тойчоқдек эмиб ётган бўлса!.. Мендан кузакда 40 центнердан пахтагининг тарозига қўйиб олавермай-сизми?... Кейин у йўлда эшитган бирор латифа ё қизик бир воқеани гапириб берар, кечқурунги йиғинга тўпланган бригадир мутахассисларнинг қаҳқаҳаси туйғули раиснинг тўрт эн пахта тушиб кетган қовоғи яна ўз ҳолига келарди. Тошпўлат Шокиров футболга унчалик қизиқмайди. Ойнаю жаҳонда футбол кўрсатишда қўшни хонага чиқиб магнитофондан Комилжон Отаниёзовни эшитишди.

Ўрозали махсумнинг расмийчиликни кўрарга қўзи, отарга ўқи йўқ. Хўжалика комиссия келди дегунча уларни излаб топиб бир боғдан, бир тоғдан келиб гурун беради. Орада шляпа кийган, бўйинбоғ таққан меҳмоннинг тиззасига бир шапатлаб «Қани ука, носқовоқни бер. Бир мазза қилайлик» дейди. Умрида нос чекмаган вақилнинг кўзлари ола-қула бўлади. Комиссия кетиши билан яна даҳанаки

жанг бошланади. «Сиз, -- дейди хўжалик катталари, -- колхознинг ғирт душмани-сиз. Улар пахтанинг, галланнинг, чорваннинг аҳволдан гап очса, сиз латифадан келасиз. Ҳаммани номулга ўлдирдингиз-ку! Қачон бу қилиқларингизни ташлай-сиз?». «Э, сизлар ҳам сал олди-орқаларингиз қарангларда! Қўлини ироқи совунга ювиб, қўйлагининг ёқасига оқорли рўмолча қўйиб олган бу одамлар пахта қиёқдан билсин? Тушгача дала

лайли.

Ўрозали махсумнинг сира куракда турмайдиган ёмон бир қилиғи бор. Бригада-сидаги чопиқчиларни, бўз болаларни, хатто тракторчию сувчиларни туш пайти курашга солади. Абдулла Қаҳҳор мезони билан ўлжайдиган бўлсак, Ўрозали махсум овқатлардан чойхона паловни, дорилардан... Унинг умуман дори-дармонга ҳуши йўқ. Раҳбарлардан эса деҳқоннинг кўзига тик қараб гаплашадиганларини-

бўлишади. Тошпўлат Шокиров индамай сўрига ёнбошлайди. Ўрозали махсум эса Холикул Миробнинг қулогига сув ўт тикади. Фейлда, нима ҳам дей-сиз! Мироб гудранади. «Жа бемаза қилиғингиз борда, махсум! Шуям ишми? Оқшоми» билан қулоқ увариб оёғимизда оёқ қолмади. Кўйинг, ахир, жонимиз сал ором олсин...»

-- Э, ухлайверасизларми? Уйку ярим ўлим дегани. Сен бола қариганингда

нима қилсан, билмайман.

Кўзингни оч, бир қўл пицца уйнаймиз...

Сувчилар тескари ўгирилиб яна пинакка кетишади. Ўрозали махсум кафтини пешонасига айвон қилади. Ҳали чопиқчилар келишига анча вақт бор. Ана шунда қўш-ни шийпонга йўл олади.

-- Ўртоқ, гўзани расво қилипсан-ку! Сувни бир ҳафта олдин қўй десам лаб бургандинг.

Мана энди экинларинг касалманд одамдай рамақижон бўлиб қолибди...

Ўчоқдаги қумгон остига ўт ёққан Шокиров индамайди. Биладик экинлари бинойидек. Шонаси гулга, гули қўсакка айланиб бормоқда. Ўрозали махсум эсини танганидан буюн унга сира тўри гапни гапирмаган. Эсини танибдики, унинг гашига тегади. Ёзгилек белбоққа нон синдирилди. Толдаги яккамихдаги елим халтадан бир ҳовуч офтоби майиз олиб ўртага тўнади.

-- Сен нима деб ўйлайсан, бу йил бизникилар саралаш ўйинларидан эсон-омон ўтиб олишармикин? -- дейди тирсагини ёстиққа тираганча Ўрозали махсум.

-- Сигиримнинг сути камайиб кетди. Инсоф билан айтганда ўзиёям 6 та насл берди. Энди ёшроғига алмаштириб олсаммикин?

-- Миржалол ўйинга тушмаса барибир командата қийин бўлади. Бу боланинг ўзи пацти арим команда дегани...

-- Кўнчининг бозорига наслдор сигирлар кўп тушар экан. Келатган яшанбада мен билан бирга бориб кел-

майсаним?

-- Агар бизникилар Яратган «ол қулим» деб Францияга борадиган бўлса, роса шов-шув бўлади-да ўзиёям...

-- Бир хил ситирлар уч-тўрт пақир сут беради. Ҳам хамирга, ҳам қатиққа бўлади. Сенинг ситиринг ҳали иккита-учта бузоқ берар дейман?

-- Тошпўлат, қўй шунақа гапларни... Масалан айтилик бизникилар Парижга борадиган бўлса сен нима қилган бўлардинг? Индамайсан... Нукул ҳаёлинг ситирда ҳозир. Мен эса даланинг ўртасида туриб роса уйнаган бўлардим. Кейин каттаконларнинг олдига бориб «Гап бундай, укалар! Менинг бир Тошпўлат Шокиров деган жонажон жўрам бор. Энаси танглайини пахта билан кўтарган. Сўзга далада оқариб кетди. Шу жўрам иккаламиз эсимизни танибмизки тулроқ гижимлаймиз. Бизга ҳам Парижга иккита қоғоз тўғрилаб беринглар» дейман. Хўш, қалай, гапим маъқулим?

-- Махсум, иягингда оқ туқ кўринганига камида йигирма йил бўлди. Лекин ақлинг кенжабой неварангикидан фарқи йўқ. Парижда сенга бало борми? Пахтага ким қарайди?

-- Шунча йил бригадир бўлиб бирор маротаба план тўғрисида катталардан гап эшиттимки? Сен билан мен кўзимизни латта билан боғлаб қўйишса ҳам мана шу далаларни қандай шўлғорлашни, қандай текислашни, қандай чигит экишни, кузакда улоқни маррага қандай қилиб кетма-кет ташлашни қотириб бажарамиз. Лекин жўра юртга алоқадор неки нараса бўлса биринчи бўлайлик дейман-да... Фафур Гулом деган шоирни биласан. Шу одамнинг битта гапи кўнглимга сарёдек ўтирган. «Ўзбекнинг ўзику ўзи, ити олишса ҳам енгиб чиқсин дейман» деган у. Мана бунга гап деса бўлади. Буни китоблардан қилириб юрма. Фафур Гулом бунга чойхонадаги паловхўрликда кўнгилтортар оғайилларига айтган. Сен эса ҳадеб ситирини ундай, сути бундай деб бошимни қотирасан...

Ўрозали махсум ва Тошпўлат Шокировлар ҳақида қисқача маълумот. Улар Боёв туманидаги «Тараққиёт» ширкатлар уюшмасининг бригадирлари. Иккаласининг бир этакдан неварачевараси, сандикда турган костюмларида эса бир халтадан орден ва медаллари бор. Иккаласининг феъл-ҳули ўт билан сув. Уларнинг ўхшаш томонлари фақат битта: дала, меҳнатга, эртанги янада ёруғ кунларга ишонч билан кўнгил қўйиб яшади. Яна иккаласи кечқурунлари ариққа ташлаб қўйилган темир идишдан қатиқ ичишни яхши кўради.

Аликул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сирдарё вилояти.



ПРЕЗИДЕНТНИНГ БАЁНОТИ

Туркия Президенти Сулаймон Демирэл расмий ташриф билан Грузияда бўлди.

Ташриф чоғида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди. Шу билан бирга, Президент Сулаймон Демирэл Грузияга сафари якунлари бўйича берган баёнотида Тоғли Қорабоғ муаммосига тўхтилиб, ушбу можа ро ҳал этилмагунча Арманистон билан дипломатия муносабатлар ўрнатмаслигини маълум қилди.

ХАЛҚАРО БАНК КЎМАГИ

Жаҳон банки Польша Республикасига 22 миллион АҚШ доллари миқдорда молиявий ёрдам кўрсатишга қарор қилди.

Ушбу маблаг аниқ дастур бўйича, яъни, шаҳар муниципал тишмининг ривожлантиришга сарф этилиши кўзда тутилган.

ИНҚИРОЗНИ БАРТАРАФ ЭТИШ НИЯТИДА

Жазоир ҳукумати мамлакатдаги Ислон озодлик fronti раҳбари Аббос Маданийни қамокдан озод этишга қарор қилди. Айни вақтда Европада вақтинчалик кўним топган ушбу фронт раҳбарлари ҳукуматнинг бу қарорини қизгин қутиб олди. Улар берган баёнотга кўра, мазкур қарор «президент Ламин Зеруалнинг мамлакатда барқарорлик ўрнатиш ва ички инқирозни бартараф этишга кўмак берувчи қадами бўлди». Шунингдек, баёнотда Жазоир ҳукумати мазкур фронт раисининг ўринбосари Али Белхожа ҳамда барча сиёсий маҳбустларни ҳам қамокдан озод этишга даъват қилинган.

МАМЛАКАТ ҲАМОН НОТИНЧ

Конго демократик республикаси (собиқ Зонир) президенти Лоран-дезиере Кабила Руанда, Уганда ва бошқа Африка давлатларидан мамлакатда Мобуту Сесе Секо тартиботини «синдириш» учун кўмак олгани ҳақида тарқатилган хабарларни рад этди. Шу йил май ойида ҳукумат тепасига келган Л. Кабила яқинда журналистларга берган интервьюсида АҚШнинг «Вашингтон пост» газетасини воқеликни тўғри ёритмасликда айблади. Конго президенти бу гапларни газета мухбирининг Руанда мудофаа вазири Пол Кагама билан қилган суҳбатидоги айрим далилларга таянган ҳолда айтди.

«ЁН ҚЎШНИ — ЖОН ҚЎШНИ»



Фаргона туманининг «Иттифок» жамоа хўжалиги Уш вилояти Қадамжой тумани хўжаликлари билан ҳавас қилса арзизулик қўшничилик муносабатлари ўрнатган. Хўжалик ерлари

тоғ ёнбағрига жойлашгани боис бу ерда галла ҳосили вилоятнинг бошқа жойларидагидан бир ой кеч етилади. Қадамжой туманининг «Ҳайдарқон» хўжалигида эса ўримга қўшниларида 15 кун кей-

ин тушишади. «Иттифок»дагилар ўримни бошлашганида «ҳайдарқон»ликлар иккита комбайн билан ёрдамга келишди. Улар шартнома асосида 300 тонна бугдойни ўриб янчиб бердилар.

СУРАТДА: «Иттифок» жамоа хўжалиги раиси Қаримжон Қўқоров, ҳайдовчи Абдуғаффор Рўзиев ва ҳамда Қадамжой туманидан ёрдамга келган комбайнчи Метинбой Абдулазизов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«АГАМА» ТАРМОҒИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон -- Швейцария «Агама» қўшма корхонасида тайёрланаётган болалар кийим-кечаги, пайпоқлари ниятда ҳаридоргир чиқиб қолди.

Зарафшонда ташкил қилинган бу корхона бундан беш йил муқаддам Самарқанд

вилоятининг Нуробод кўргонида ўз бўлимини очган эди. Шундан сўнг фирма маҳсулотларига талаб янада ошди. Ана шунинг ҳисобга олиб қўшма корхона вилоят марказида ҳам ўзининг махсус совдо дўконини ишга туширди.

М. МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• ТИББИЁТ

ШИФОХОНАГА... «ДАМАС»

Нурота туманидаги марказий касалхона қошида 30 ўринга мўлжалланган янги туғруқхона очилди.

Бу ерда аёллар туғруқдан назоратида бўлади. Айниқса, туман ҳокимли-даволанади. Уларнинг соғлиғи врачларнинг доимий сотиб олиш мақсадида

қўшимча бир ярим миллион сўм ажратилиши касалхона фаолиятида катта ўзгариш ясади. Бундан ташқари, бу жамоага «тез ёрдам» хизмати учун «Дамас» автомашинаси ҳам берилди.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбекмел» давлат акционерлик бирлашмаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси раиси Дилшод Аҳмедовга онаси

«Тошбозорсалво» очиқ турдаги ҳиссдорлик жамиятлари уюшмаси бошқаруни, касба уюшмаси қўмитаси жамоаси бошқаруни раиси муовини Мирсобиёр РАҲИМОВнинг бешақт нарфот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этди.

Ўзбекистон Бадий академияси санъатшунослик илмий-тадқиқот институти раҳбарини ва жамоаси Бадий академиянинг Бош илмий котиби Абдул Ҳасановга онаси Мўмина САЙДОВАнинг нарфот муносабати билан чўқур таъзия изҳор этди.

611

— бу қандай хизмат ?!?!?! —

Бу — «ЎЗДУНРОБИТА»

қўшма корхонасининг ахборот-маълумот хизматидир

У ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ:

уяли аппаратлар ва уларнинг аксессуарлари иш режими, функцияси ва типлари бўйича бепул маслаҳатлар;
сотишга таклиф қилинаётган уяли аппаратлар, аксессуарлар ҳақида ва уларнинг нархи тўғрисида бепул ахборотлар;
уяли аппаратларни расмийлаштириш ва улаш қондалари бўйича бепул ахборотлар;
«Ўздунробита» қўшма корхонаси тармоқлари иш тартиби, манзиллари ва боғланиш телефонлари, шунингдек, хизмат кўрсатиш турлари ва баҳолари ҳақида бепул ахборотлар;
«Ўздунробита» қўшма корхонаси уяли алоқа хизмати қайси шаҳарларда мавжудлиги ҳақида бепул ахборот беради.

шунингдек, буларга қўшимча равишда:

- ☐ долларнинг жорий курси ҳақида БЕПУЛ АХБОРОТ;
- ☐ шаҳарлар телефонлари маълумот хизмати ҳақида БЕПУЛ АХБОРОТ;
- ☐ Ўзбекистон Республикаси, МДХ давлатлари ва бутун жаҳон шаҳарлари кодлари ва уларни териш қондалари ҳақида БЕПУЛ АХБОРОТ бериш.

Маълумотлар хизматининг иш услуби - тезкорлик, профессионал маҳорат ва хушмуомалалик.

Куннинг 24 соати ва ҳафтанинг 7 куну давомида хизматингизга тайёрмиз.

Бунга уяли телефонингиз орқали 611 рақами ёки шаҳар телефони билан 300909 рақамини териб ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

